

## **Сайёр суд мажлиси бўлиб ўтди**

Данғара тумани Камбағалликни қисқартириш ва бандликка қўмаклашиш бўлими биносида Сайёр суд мажлиси бўлиб ўтди.

Сайёр судда Данғара тумани ИИБ бошлиғи подполковник Ё.И.Абдурасулов, Данғара тумани ЖИБ суди раиси М. Абдубаннобов, Данғара туман прокурор катта ёрдамчиси Э.Фофуров ҳамда 85 нафар Пробация гурухи хисобида турган назоратдаги шахслар иштирок этди.

Сайёр суд давомида Данғара тумани ИИБ Пробация гуруҳида тайинланган жазони намунали ва меҳнатга халол муносабатда бўлган 17 нафар назоратдаги шахслар жазодан муддатидан олдин шартли озод қилинди.

Шунингдек, жазо ўташдан қастдан бўйин товлаган икки нафар назоратдаги шахснинг жазо тури озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилди.

Сайёр суд якунида Данғара тумани ИИБ бошлиғи З сектор раҳбари подполковник Ё.Абдурасулов томонидан ИИБ Пробация гурухи хисобида турган ёшлар билан профилактика сухбат ўтказилиб, уларга қайта жиноят ва хуқуқбузарлик содир этмаслигини такидлаб ўтди. Шунингдек, уларнинг муаммолари ҳамда мурожаатлари ўрганилиб ечими топилган мурожаатлар жойида ҳал этилди ва айрим мурожаатлар хуқуқий маслаҳат ва тушунчалар билан қониқтирилди.

---

2024-06-25 17:46:45